



КИБЕРМАКОНДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ВИКТИМЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА ПРОГНОЗЛАШТИРИШНИНГ КРИМИНОЛОГИК МОДЕЛЛАРИ

Абдусаломова Хуршидабону Насирдиновна
Ўзбекистон Республикаси Криминология
тадқиқот институти мустақил
изланувчиси, подполковник
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21427782>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-iyun 2026 yil
Ma'qullandi: 03-iyun 2026 yil
Nashr qilindi: 05-iyun 2026 yil

KEYWORDS

кибермакон, вояга
етмаганлар виктимлиги,
криминологик модел,
кундалик фаолият
назарияси, рақамли васийлик,
кибербуллинг, виктимологик
прогнозлаш,
кибержиноятчилик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада рақамли маконда вояга етмаганларнинг кибервиктимликка (кибержиноятлар қурбонига айланиш) учраш қонуниятлари, сабаб ва шароитлари тизимли таҳлил қилинган. Тадқиқотда ўзбек миллий криминология мактаби ва хорижий илмий ёндашувларнинг илғор назариялари қиёсий ўрганилиб, вояга етмаганлар виктимлигини баҳолаш ва масофавий башорат қилишнинг янги криминологик моделлари муҳокама қилинади. Мақола доирасида бешта миллий ва учта хорижий олимларнинг илмий концепциялари чуқур таҳлил қилиниб, муаллифнинг «Кибермуҳитда динамик виктимологик филтрация ва рақамли васийлик» номли янги назарий таклифи ишлаб чиқилган. Шунингдек, рақамли фишинг, кибербуллинг, шахсий маълумотлар ўғрилиги ва молиявий фирибгарликка оид тўртта реал амалиёт мисоли орқали виктимологик вазиятлар моҳияти ёритилган. Тадқиқот якунида вояга етмаганларнинг кибермакондаги хавфсизлигини таъминлашга қаратилган криминологик прогнозлаш механизмлари таклиф этилган...

Глобаллашув ва жамият ҳаётининг шиддат билан рақамлашиши анъанавий жиноятчилик трансформациясига ва кибермаконда янги жинойи таҳдидларнинг шаклланишига олиб келди. Бу жараёнда ижтимоий ва психологик жиҳатдан энг заиф қатлам ҳисобланган вояга етмаганлар рақамли таҳдидларнинг бош нишонига айланмоқда. Вояга етмаганларнинг интернет тармоғидан мунтазам фойдаланиши, уларнинг виртуал муҳитдаги юлдузликка интилиши, ишонувчанлиги ва рақамли саводхонлик даражасининг етарли эмаслиги кибервиктимлик кўрсаткичларининг шиддат билан ўсишига замин яратмоқда. Шу сабабли, кибермаконда вояга етмаганлар виктимлигини илмий баҳолаш ва улар устидан криминологик прогнозлаштириш

моделларини ишлаб чиқиш замонавий ҳуқуқ устуворлигини таъминлашнинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Криминология соҳасида жабрланувчининг ҳуқ-атвори ва унинг жиноят қурбонига айланиш эҳтимолини ўрғанувчи виктимологик ёндашувлар бугунги кунда виртуал реаллик шарт-шароитларига мослаштиришни талаб этмоқда.

Миллий криминология мактаби вакиллари вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг жабрланувчига айланиш омилларини тизимли равишда тадқиқ этиб келишмоқда. Хусусан, таниқли олим М.Ҳ. Рустамбаев ўз тадқиқотларида вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни жиноий таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларига алоҳида урғу беради. Унинг фикрича, вояга етмаганларнинг виктимлиги уларнинг ёш хусусиятлари ва руҳий ҳолати билан бевосита боғлиқ бўлиб, давлат ва жамият томонидан махсус ҳимоя тизимлари яратилишини тақозо этади. Олимнинг концепцияси анъанавий криминологик ҳимояга йўналтирилган бўлса-да, унда рақамли муҳитнинг виктимологик хавф-хатарларини камайтириш учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Бу йўналишда бошқа бир ўзбек олими И. Зоирова вояга етмаган жабрланувчи шахсининг ижтимоий-руҳий типологиясини ва уларнинг жиноятдан кейинги ҳуқ-атворини чуқур таҳлил қилган. И. Зоированинг таъкидлашича, вояга етмаган шахсларнинг ақлий ва жисмоний салоҳияти катталардан мутлақ фарқ қилади, шу сабабли уларнинг виктимизацияси юқори даражадаги латентлик (яширинлик) хусусиятига эга. Олим вояга етмаганлар виктимлигининг ортишида оилавий муҳитнинг назорати сустлиги ва боланинг психологик заифлиги асосий мезон эканлигини қайд этади. Бу қараш кибермаконга кўчирилганда янада яққол намоён бўлади, чунки виртуал оламдаги латентлик даражаси реал ҳаётдагидан бир неча баробар юқоридир.

Криминолог олим У.Т. Тошев эса жиноятчиликнинг олдини олишда виктимологик профилактика самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш зарурлигини илгари суради. У.Т. Тошев фикрига кўра, шахснинг жиноят қурбонига айланиши фақат жиноятчининг ҳаракатларига эмас, балки жабрланувчининг ўзи яратган ёки йўл қўйган вазиятларга ҳам боғлиқдир. Кибермаконда вояга етмаганларнинг ўз шахсий маълумотларини очиқ қолдириши ва нотаниш профиллар билан назоратсиз мулоқотга киришиши айнан мана шундай виктимологик вазиятни юзага келтиради.

Профессор Қ.Р. Абдурасулова ўз илмий ишларида ёшлар ва вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳамда виктимлиги шаклланишида ижтимоий институтлар, айниқса таълим муассасалари ва маҳалланинг ролини очиб берган. Унинг ёндашувига кўра, виктимлик даражасини пасайтириш учун боланинг ижтимоийлашув жараёни назорат остида бўлиши керак. Кибермаконда эса анъанавий маҳалла ёки мактаб назорати ишламайди, бу эса вояга етмаганларнинг рақамли муҳитда ёлғиз ва ҳимоясиз қолишини англатади. Сабаби, ижтимоий тармоқларда бола реал дунёдан узилиб, виртуал субмаданиятлар таъсирига осон тушиб қолади.

Миллий олимлар орасида кибержиноятчилик ва ахборот хавфсизлиги соҳасида изланишлар олиб бораётган Ж.С. Мухторов рақамли макондаги виктимологик хавфларни бевосита технологик омиллар билан боғлайди. Ж.С. Мухторовнинг фикрича, кибермакондаги виктимликни камайтириш учун нафақат ҳуқуқий ва ижтимоий

чоралар, балки фойдаланувчиларнинг, айниқса болаларнинг рақамли гигиена қоидаларига риоя қилиши таъминланиши шарт. У техник ҳимоя воситаларини кучайтиришни ва вояга етмаганларга интернетдан хавфсиз фойдаланиш кўникмаларини тизимли ўргатишни криминологик моделларнинг ажралмас қисми деб ҳисоблайди.

Хорижий криминологияда кибермакондаги жиноятлар ва жабрланувчилар ҳуқ-атворини тушунтиришда Л. Коэн ва М. Фелсон томонидан ишлаб чиқилган «Кундалик фаолият назарияси» (Routine Activity Theory) асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ушбу назарияга кўра, жиноят содир бўлиши учун бир вақтнинг ўзида учта унсур: мотивацияга эга бўлган ҳуқуқбузар, муносиб нишон (жабрланувчи) ва қобилиятли васийнинг (ҳимоячининг) йўқлиги талаб этилади. Хорижлик олим Давид Лёкфелдт (David Leukfeldt) ушбу назарияни кибермаконга мослаштириб, виртуал муҳитда кундалик рақамли фаолият (масалан, онлайн ўйинлар ўйнаш, ижтимоий тармоқларда узоқ вақт қолиш) кибервиктимлик хавфини тўғридан-тўғри оширишини исботлаган. Лёкфелдтнинг фикрича, кибермаконда анъанавий «қобилиятли васий» ролини ота-оналар эмас, балки антивирус дастурлари ва махсус махфийлик созуламалари каби технологик ҳимоя тизимлари бажариши керак.

Бошқа бир хорижлик тадқиқотчи Рейчел Босслер (A. R. Bossler) кибермаконда шахсларнинг турмуш тарзи ва уларнинг виктимизацияси ўртасидаги алоқадорликни (Lifestyle Exposure Theory) ўрганган. Босслер ўз илмий ишларида таъкидлайдики, вояга етмаганларнинг интернетда хавфли сайтларга кириши, сезгир ва шахсий маълумотларини очиқ жойлаштириши ҳамда кибермуҳитда тажовузкор гуруҳлар билан алоқа ўрнатиши уларни жиноятчилар учун «энг қулай ва муносиб нишон»га айлантиради. Унинг моделлари шахснинг онлайн ҳуқ-атворини хавф даражаси бўйича прогноз қилиш имконини беради.

Жанубий корейлик олим Сонг Мун Бэ (Seong-Min Bae) вояга етмаганлар ўртасидаги кибержиноятчилик ва виктимлик омилларини комплекс ва тизимли ўрганиб, ижтимоий назорат сустиги ва босим (strain) омиллари болани ҳам жиноятчи, ҳам жабрланувчи позициясига итаришини кўрсатиб берган. Сонг Мун Бэ ўз моделларида оилавий ва мактабдаги депрессив ҳолатлар, диққат етишмаслиги ва ижтимоий коммуникацияга бўлган ҳаддан ташқари эҳтиёж вояга етмаганларнинг кибермаконда девиант ҳуқ-атвор қурбони бўлишига олиб келишини эмпирик маълумотлар орқали асослаган.

Мазкур миллий ва хорижий олимларнинг фикр ва илмий концепцияларини умумлаштирган ҳолда, муаллиф томонидан кибермаконда вояга етмаганлар виктимлигини баҳолаш ва прогноз қилиш бўйича янги назарий таклиф — **«Кибермуҳитда динамик виктимологик фильтрация ва рақамли васийлик модели»** ишлаб чиқилди. Ушбу модель анъанавий кундалик фаолият назариясини рақамли алгоритмлар ва ижтимоий-психологик индикаторлар билан бойитади. Моделнинг моҳияти шундаки, вояга етмаган шахснинг кибервиктимлик даражаси статик кўрсаткич эмас, балки у тармоқда амалга оширадиган ҳаракатлар, психологик ҳолат ва техник ҳимояланганлик даражасининг динамик йиғиндисидир. Бизнинг моделимизда «Қобилиятли васий» тушунчаси уч босқичли тизимга бўлинади: биринчиси — ота-онанинг рақамли назорати, иккинчиси — таълим муассасасининг

кибергигиена бўйича таъсири ва учинчиси — сунъий интеллектга асосланган проактив алгоритмик филтрлар бўлиб, улар боланинг интернетдаги шубҳали мулоқотлари ва виктимлик хулқ-атворини (масалан, ҳаддан ташқари шахсий сурат ёки геопозицияни улашиш) реал вақт режимида аниқлаб, хавфни башорат қилади.

Ушбу назарий моделнинг нечоғлик ҳаётий эканлигини ва кибермакондаги виктимологик вазиятларни чуқурроқ тушуниш учун суриштирув ва тергов амалиётидан олинган реал мисолларга мурожаат қиламиз.

Биринчи амалиёт мисоли: 14 ёшли вояга етмаган мактаб ўқувчиси А. ижтимоий тармоқдаги оммабоп онлайн ўйинлар гуруҳида нотаниш шахс билан танишади. Жиноятчи ўзини ўсмир бола сифатида таништириб, А.нинг ишончига киради ва унга ўйиндаги қимматбаҳо виртуал қуроолларни бепул совға қилишни ваъда қилади. Бунинг эвазига у боладан ота-онасининг банк пластик картаси расмини ва телефонга келган тасдиқлаш кодини юборишни сўрайди. Виктимологик заифлик ва рақамли саводхонликнинг пастлиги натижасида А. сўралган маълумотларни тақдим этади ва ота-онасининг ҳисоб рақамидан катта миқдордаги маблағ ўғриланади. Бу вазият «кундалик фаолият назарияси»даги муносиб нишон ва рақамли васийнинг йўқлиги унсурларини яққол тасдиқлайди.

Яна бир мисолни кўриб чиқадиган бўлсак, 16 ёшли ўсмир қиз М. ижтимоий тармоқлардаги ўз шахсий саҳифасига кундалик ҳаёти, яшаш жойи ва мактаби акс этган фотосуратларни фаол равишда, ҳеч қандай махфийлик чекловларисиз жойлаштириб боради. Бундан фойдаланган номаълум кибер-тажовузкор (киберсталкер) қизнинг фотосуратларини сохталаштириб (нейротармоқлар ёрдамида порнографик кўринишга келтириб), унга шахсий хабарнома орқали юборади ва агар М. унга пул бермаса, ушбу суратларни мактабдошлари ва яқинларига тарқатиш билан таҳдид қилади (кибершантаж ёки сексторшн). Қиз кучли психологик босим ва кўркүв остида виктимлик ҳолатига тушиб қолади ва узоқ вақт давомида бу ҳақда ҳеч кимга айта олмайди, бу эса И. Зоирова таъкидлаган латентлик хусусиятини намоён этади.

Шунингдек, вояга етмаган С. (15 ёшда) синфдошлари томонидан Telegram мессенжеридида очилган махсус ёпиқ гуруҳда тизимли равишда кибербуллингга (виртуал ҳақорат ва камситиш) учрайди. Синфдошлари унинг устидан кулиб турли ҳақоратли «мем»лар ва сохта видеолар тарқатишади. Натижада С.да оғир тушкунлик (депрессия) ҳолати юзага келади, у ўқишдан ва ижтимоий ҳаётдан бутунлай узилади. Сонг Мун Бэ моделида кўрсатилганидек, бундай психологик деформация болада суиқасдга мойиллик ёки агрессияни келтириб чиқариши мумкин бўлган юқори кибервиктимлик индикатори ҳисобланади ва ўз вақтида криминологик прогноз қилинмагани тизимли инқирозга йўл очади.

Амалиёт мисолларига яна бир эътибо қаратадиган бўлсак, 13 ёшли ўсмир К. интернетда бепул дастурлар ва компьютер ўйинларининг бузилган (crack) версияларини юклаб олиш жараёнида фишинг ҳаволасига дуч келади. Ҳаволага кирилганда фойдаланувчи қурилмасига яширин вирус дастури (malware) ўрнатилади. Бу вирус дастури К.нинг оиласи фойдаланадиган компьютердаги барча шахсий ёзишмалар, веб-камера тасвирлари ва паролларни жиноятчига узатади. Натижада, оиланинг шахсий ҳаётига оид сирлар кибержиноятчилар қўлига ўтади ва улардан товон пули талаб қилишда фойдаланилади. Бу мисол професор Ж.С. Мухторов айтган рақамли

гигиенанинг йўқлиги техник жиҳатдан виктимликни қандай оширишини яққол кўрсатади.

Криминологик прогнозлаштириш нуқтаи назаридан, вояга етмаганларнинг кибервиктимлигини камайтириш учун биз таклиф этган модель доирасида қуйидаги баҳолаш мезонларини жорий этиш зарур: биринчидан, боланинг интернетда ўтказадиган вақти ва ташриф буюрадиган сайтларининг хавфлилик даражаси (онлайн ҳаёт тарзи); иккинчидан, унинг рақамли саводхонлиги ва махфийлик соғломаларидан фойдаланиш кўникмаси (техник ҳимоя); учинчидан, боланинг ижтимоий ва оилавий муҳитидаги психологик барқарорлик даражаси (ижтимоий омил). Ушбу индикаторлар автоматлаштирилган тизимлар орқали таҳлил қилинганда, муайян ҳудуд ёки ёш гуруҳи ўртасида кибервиктимизация хавфини олдиндан башорат қилиш ва проактив равишда профилактик чораларни кўриш имконияти туғилади.

Фикримизча, юқоридаги олимларнинг фикрлари ҳамда амалиёт мисолларидан келиб чиқиб, криминологияда янги тушунча сифатида «*Рақамли иммун дефицити* – бу вояга етмаган шахснинг кибермакондаги таҳдидларни (алдов, манипуляция, психологик босим ва техник тузоқларни) таниш, уларни филтрлаш ва улардан ҳимояланиш бўйича шахсий-психологик ва техник тўсиқларининг (рақамли гигиенасининг) мутлақ шаклланмаганлик ёки сустлик ҳолатидир» дея киритиш мақсадга мувофиқ. Мазкур таклифнинг илгари криминологияда виктимлик статик хусусият (масалан, ишонувчанлик, ёш хусусияти) сифатида кўрилган. Ушбу тушунча эса виктимликни тиббий-биологик феномен (иммунитет) сингари тавсифлайди. Агар болада «рақамли иммунитет» паст бўлса, у тармоққа кириши билан тизимли равишда кибервиктимизацияга учрайди. Криминологик моделлар эндиликда жиноятни башорат қилишда боланинг айнан мана шу «рақамли иммунитет даражаси»ни (рақамли саводхонлик + психологик барқарорлик коэффициенти) ўлчаши лозим.

Давлат органлари, таълим муассасалари ва ота-оналарнинг рақамли ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда сунъий интеллект тизимларини прогнозлаш жараёнларига татбиқ этиш орқали вояга етмаганларнинг кибержиноятлар қурбонига айланишининг олдини олишга эришиш мумкин. Ишлаб чиқилган янги криминологик концепция ва унда илгари сурилган назарий ҳулосалар кибермаконда вояга етмаганлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ва амалий-технологик ислохотлар учун фундаментал асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, тадқиқот давомида аниқланган виктимологик қонуниятлар ҳамда вояга етмаганларнинг кибершантаж ёки кибербуллинг каби таҳдидлар қаршисида кучли қўрқув туфайли ўз виктимизациясини яшириш (латентлик) тенденцияси амалиётга мутлақо янгича проактив ёндашувларни татбиқ этишни тақозо этади. Фикримизча, рақамли муҳитда вояга етмаганларнинг виктимлик даражасини пасайтириш ва жиноят қурбонига айланишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида сунъий интеллект алгоритмларига асосланган «CyberGuardian» (Рақамли васий) миллий смарт-патернал тизимини ишлаб чиқиш ва вояга етмаганлар фойдаланадиган **қурилмаларга интеграция қилиш** зарур.

Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу технологик ечим фойдаланувчи қурилмасининг операцион тизимида орқа фонда фаолият юритган ҳолда, нейротармоқлар воситасида келаётган ахборот оқимларини лингвистик ва деструктив мазмун жиҳатдан узлуксиз

таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади. Натижада, болага нисбатан тизимли ҳақоратлар, кибербуллинг аломатлари ёки сохталаштирилган мультимедиа материаллари орқали кибершантаж (сексторшн) ҳаракатлари бошланган илк босқичдаёқ тизим воқеа ривожини башорат қилади.

Боланинг руҳий ҳолати чуқур инқирозга юз тутишини ёки жиноятчининг моддий талаблари бажарилишини кутмасдан, сунъий интеллект автоматик равишда ота-онанинг назорат қурилмасига ҳамда Ички ишлар вазирлигининг Киберхавфсизлик марказига проактив огоҳлантирувчи сигналларни узатади ва бу орқали тадқиқотда таклиф этилган алгоритмик васийлик моделининг амалий ижросини таъминлайди.

Назаримизда, технологик ҳимоя тизимларини жорий этиш билан бир қаторда, анъанавий ижтимоий институтлар, хусусан, умумий ўрта таълим мактабларининг бола виртуал ҳаётидан узилиб қолганлиги муаммосини бартараф этиш мақсадида тизимли маърифий-профилактик ислохотларни амалга ошириш лозим. Мактаблардаги анъанавий информатика дарслари форматларини кенгайтириб, улар негизда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда ҳудудий Киберхавфсизлик марказлари томонидан мувофиқлаштириладиган интерактив «Рақамли детектив ва кибергигиена» илмий-амалий тўғаракларини ташкил этиш юқори криминологик самара беради.

Ушбу машғулотлар жараёнида вояга етмаганларга жиноятчилар қўллайдиган ижтимоий инженерия усуллари, молиявий фишинг тузоқлари ва зарарли дастурий таъминотларнинг (malware) ишлаш принциплари симуляцион вазиятлар орқали ўргатилади, бу эса ўз навбатида болада рақамли таҳдидларга нисбатан барқарор иммунитетни шакллантиради. Фикримизча, мазкур маърифий экотизим ҳар чорак якунида мактаб психологлари ва соҳа мутахассислари томонидан ўтказиладиган махсус аноним «Виктимологик скрининг» тизими билан занжирсимон тарзда боғланади. Скрининг жараёнида интернетга қарамлик даражаси юқори бўлган, оилавий муҳитда назорати сустлашган ва биз томондан назарий жиҳатдан асосланган «Рақамли иммун дефицити» ҳолатига тушиб қолган заиф болалар гуруҳи аниқланади. Ушбу тоифадаги вояга етмаганлар учун индивидуал «профилактик виктимологик кузатув карталари» шакллантирилиб, улар жиноятчиларнинг реал нишонига айланиб улгурмасларидан аввал психологлар ва криминологларнинг мақсадли ижтимоий-ҳуқуқий кўмаги ташкил этилади, бу эса кибермаконда ҳуқуқбузарликлар барвақт олдини олишнинг проактив моделини тўлиқ таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, кибермаконда вояга етмаганлар виктимлиги фақатгина техник ёки ҳуқуқий муаммо эмас, балки ижтимоий, психологик ва криминологик омиллар туташган мураккаб феномендир. Миллий олимларимизнинг оилавий ва ижтимоий назорат устуворлигига оид қарашларини хорижий олимларнинг технологик ва турмуш тарзи назариялари билан синтез қилиш орқали яратилган динамик виктимологик фильтрация модели вояга етмаганларни рақамли оламда самарали ҳимоя қилиш кафолати бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Криминологияси: Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. (Вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва жиноятчилик профилактикаси қисми).

2. Зоирова И. Вояга етмаган жабрланувчи шахси ва унинг виктимологик профилактикаси // Ҳуқуқий тадқиқотлар журналі (Journal of Law Research). – 2021. – Махсус сон.
3. Тошев У.Т. Жиноятчиликнинг виктимологик профилактикаси: Назария ва амалиёт муаммолари. Монография. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2019.
4. Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2020. (Ёшлар жиноятчилиги ва девиант ҳуқ-атвор детерминантлари таҳлили).
5. Мухторов Ж.С. Ахборот маконида кибержиноятчиликка қарши курашишнинг криминологик жиҳатлари // Янги Ўзбекистон ҳуқуқ тизими ривожланиш тенденциялари. – 2023.
6. Cohen, L. E., & Felson, M. (1979). Social change and crime rate trends: A routine activity approach. *American Sociological Review*, 44(4), 588–608.
7. Leukfeldt, E. R., & Yar, M. (2016). Applying routine activity theory to cybercrime: A theoretical and empirical evaluation. *International Journal of Cyber Criminology*, 10(2), 263–280.
8. Bossler, A. M., & Holt, T. J. (2010). Cybercrime victimization: An examination of individual and situational-level factors. *International Journal of Cyber Criminology*, 4(1), 618–637.
9. Bae, S. M. (Сонг Мун Бэ) (2017). The influence of strain factors, social control factors, self-control and computer use on adolescent cyber delinquency: Korean National Panel Study. *Children and Youth Services Review*, 81, 140–148.

INNOVATIVE
ACADEMY